

МАҲСУЛОТ ОЛДИ - СОТДИ

Шартномаси № 0109

Тошкент ш.

« 10 » Январь 2022 йил

«**RADIKS**» масъулияти чекланган жамияти бундан буён **СОТУВЧИ** деб номланувчи, 05.01.2022-йилдаги 001-сонли ишончномага асосан иш юритувчи Директор **Каримов А.А** бир томондан ва ТХМРМКТК бундан буён **ХАРИДОР** деб номланувчи, **Низомига** мувофиқ иш юритувчи Ш. А. Худайберганов иккинчи томондан, мазкур шартномани қуйидаги мазмунда туздик:

1. ШАРТНОМА МАҚСАДИ.

- 1.1. Сотувчи мазкур шартномада белгиланган муддатларда товарни етказиб бериш, харидор эса товарни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини оладилар.
- 1.2. Товарнинг номи, ассортименти, баҳоси ва сони бўйича томонлар келишиб оладилар ва мазкур шартноманинг бевосита қисми бўлган ҳисоб – фактураси ёки спецификацияда қайд этадилар.
- 1.3. Сотилаётган товарнинг сифати ва комплектлиги корxonанинг фармокопия мақоласи (ФСП) дори воситаси учун фармокопия қўмитаси томонидан тасдиқланган норматив техник хужжатиغا ҳамда товар ишлаб чиқарувчи корхона сифат сертификатиغا мос бўлиши керак.

2. БАҲО ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

- 2.1. Шартноманинг қиймати 9,600,000 (Тўққиз миллион олты юз килла) сўми ташкил қилади (товарнинг баҳоси унинг турига қараб, ҚҚС-сиз шартнома қийматини ташкил қилади ва тегишли счёта-фактурада кўрсатилади).
- 2.2. Маҳсулот баҳоси келишилган нархларда. Нарх шартнома амал қилиш муддати ичида қайта кўриб чиқилиши ва ўзгартирилиши мумкин.
- 2.3. Сотилган товар учун ҳисоб-китоб Сотувчи ҳисоб рақамига пул ўтказиш йули билан амалга оширилади.
- 2.4. Сотувчи сотаётган маҳсулотлар нархлари учун молиявий чегирма бериш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

3. ТОВАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ.

- 3.1. Товар учун пул маблағлари Сотувчи ҳисоб рақамига келиб тушган кундан бошлаб 5 (беш) кун давомида Сотувчи корхона томонидан ишлаб чиқарилган, корхона омборида мавжуд бўлган тайёр дори дармон маҳсулотлари Харидор томонидан ўз кучи ва транспорти билан олиб кетилади.
- 3.2. Харидор олаётган маҳсулотни Сотувчи омборида маҳсулотнинг сифати, сони, синган-синмаганини, яроқлилиги ва бошка жихатларини тўлиқ текшириб олиш мажбуриятини олади.
- 3.3. Маҳсулот Сотувчи омборидан чиқиб кетгандан сўнг маҳсулотнинг сони, сифати, синган-синмаганига «Сотувчи» жавоб бермайди.
- 3.4. Хар ойнинг биринчи ва охириги иш кунлари корхона омборхонасидан тайёр дори дармон маҳсулотлари сотилмайди.
- 3.5. Товарни олаётган Харидор маҳсулотни Сотувчидан олиб кетиш вақтида сақлаш, ташиш тартибига амал қилмасдан транспортировка қилиши, маҳсулот сифати билан боғлиқ оқибатларига жавобгар ҳисобланади.

4. ТОМОНЛАР МАЖБУРИЯТЛАРИ.

- 4.1. Харидор берилган ҳисоб-фактурасига асосан 3 (уч) банк кунидан олинаётган товарнинг 30 % миқдорида олдиндан сотувчининг ҳисобрақамига пул ўтказиш мажбуриятини олади. Олинган маҳсулот қийматининг қолган 70 % ни тўлаш ёзилган ҳисоб фактурасига асосан 30 кун мобайнида ўтказилиши шарт.
- 4.2. Харидор Сотувчи томонидан тақдим қилинган прайс вароғида мавжуд бўлган дори воситаларига буюртма беради.
- 4.3. Харидор, мазкур шартномани тузиш вақтида ўзининг улгуржи ёки чакана савдо қилиш ҳуқуқини берувчи гувоҳномаларига эга эканлиги тўғрисидаги маълумотларни, рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, корхона раҳбарининг паспортидан нусха, назорат касса машинасининг рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги хужжатларни тақдим этиш мажбуриятини олади.

5. ТОМОНЛАР ҲУҚУҚИ ВА ЖАВОБГАРЛИГИ.

- 5.1. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ва шу шартномада кўзда тутилган тартибга мазкур шартнома шартларини бузган томон, шу туфайли етказилган зарарни шу жумладан олинмай қолинган фойда миқдорини тўлиқ қоплайди.

- 5.2 Сотувчи товарни белгиланган муддатларда бермаган тақдирда харидорга хар бир кечиктирилган кун учун товар партияси қийматининг 0,4% (фоиз) миқдориди, лекин етказиб берилмаган товар қийматининг 50% (фоиз) дан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.
- 5.3 Харидор, шартномада белгиланган муддатларда туловларни амалга оширмаган тақдирда, кечиктирилган хар бир кун учун туловларни амалга оширган кунгача тўланган қарзнинг 0,4% (фоиз) миқдориди, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50% (фоиз) дан ортик бўлмаган миқдорда жарима тўлайди.
- 5.4 Сотувчи тўланмаган, қўшимча ҳисобланган қариздорлик бўйича талабнома тақдим қилинган кундан 30 кун ўтказиб Харидор ҳисоб рақамидан акцептсиз олиш ҳуқуқи вужудга келади.

6. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ.

- 6.1 Шартнома тузилгандан сўнг Томонлар аввалдан шартнома шартлари билан кўзда тутилмаган фавқулодда ҳолатлар ва енгиб бўлмас кучлар таъсири юз берганида шартнома шартларини бажаришдан озод бўлиши мумкин. Бунга қуйидаги ҳолатлар киради: сув тошқини, ёнғин, ер силкиниши, шунингдек уруш ва уруш ҳаракатлари ҳамда шу каби бошқариб бўлмайдиган ҳолатлар.
- 6.2 Агарда Томонларнинг бирида 6.1 бандида кўрсатилган ҳолатлар юз берганда бу ҳақда иккинчи Томонга дархол хабар бериши лозим. Хабарда юз берган ҳолат тавсифи ва тафсилоти, унинг шартнома шартларига қайси даражада таъсир қилиши кўрсатилиши лозим. Келтирилган ҳолатлар бўйича хабар қилинмаган ёки кечиктириб хабар қилинганда, кейинчалик ушбу ҳолатларни асос сифатида кўрсатилишига йўл қўйилмайди.
- 6.4 Форс-мажор ҳолатлари 3 ойдан кўпроқ давом этганда Томонлар шартнома шартларини қайта кўриб чиқишлари мумкин, бунда Томонларнинг ўзаро шартнома шартларини бажарган қисми бўйича тўлиқ ҳисоб-китоблар амалга оширилади.

7. КЕЛИШМОВЧИЛИКЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

- 7.1 Ушбу шартнома бўйича хар қандай келишмовчилик томонларнинг музокара йўли билан ҳал этилади.
- 7.2 Томонлар музокара йўли билан келишувга эришмаган тақдирда, вужудга келган келишмовчиликлар Тошкент туманлараро Иқтисодий Судида кўриб чиқилади.
- 7.3 Ушбу шартномада кўзда тутилган барча ҳолларда, томонлар Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонун ҳужжатлари билан, ҳамда, шу олди - сотди шартнома шартлари шунингдек «Хўжалик юритувчи субъектлари фаолиятининг шартномавий – ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги қонун билан тартибга солинади.
- 7.4 Муружаат ва талабнома бериш мажбурийдир.

8. ШАРТНОМАНING АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ.

- 8.1 Мазкур шартнома томонлар имзо қўйганларидан сўнг кучга киради ва 2022 йил «31» декабргача амал қилади.
- 8.2 Агар шартнома тузувчилар томондан шартномани тугатиш ёки бекор қилиш тўғрисида ёзма келишув бўлмаса, у ҳолда шартнома кейинги йил охиригача амал қилади.

9. ТОМОНЛАР РЕКВИЗИТЛАРИ:

«СОТУВЧИ»

«RADIKS»

Масъулияти Чекланган Жамияти
 Манзил: 100054 Тошкент шаҳар Чилонзор
 тумани Лутфий кучаси 50уй
 Х/Р: 20208000604153791001
 КДБ Банк Ўзбекистана
 МФО: 00842
 ИНН: 203 714 417
 ОКЭД: 21 200
 Телефон: 71-273-80-58, факс: 71-273-43-98
 93-501-77-88

Корхона Директори

м.ў _____ А. А. Каримов

Ҳуқуқшунос _____

Шартномани имзога таёрлаган сотув бўлими
 ходими исм-шарифи _____

«ХАРИДОР»

Модия Вазирлиги Гизначилиги
 Манзил: _____
 Х/Р: 2340 2000 3001 0000 1010
 Х/Р МФО: 00014 ИНН: 201 122 919
 В _____ ХККМ МБ Тошкент ш.Б.Б.
 МФО: _____
 ИНН: 201 799 978 ОКЭД: 86100
 ОКЭД: (71) 233-40-66; Факс: (71) 233-67-17

Телефон: _____

Корхона директори

м.ў _____ А. Худайбергенов

_____ А. Садилов

**Спецификация №00085 от 10.01.2022г.
К договору № 0109 от 10 января 2022 год**

Продавец: **ООО "RADIKS"**
 Адрес: 100054 Узбекистан, г. Ташкент, Чиланзарский район, ул. Лутфий, 50.
 Телефон: +998 71 273-80-58 Факс: 93 501 77 88
 Р/сч: 20208000604153791001
 В: Г.ТАШКЕНТ, KDB Bank Uzbekistan
 Город: г. город Ташкент
 МФО: 00842
 ИНН: 203714417
 ОКОНХ: 21200

Покупатель: **"ТХКМРМКТК"**
 Адрес: **Доля Вазирлиги Ҳазначилиги**
У/р: 2340 2000 3001 0000 1010
 Телефон: **МФО: 00014 ИНН: 201 122 919**
ХККМ МБ Тошкент ш.Б.Б.
ТХКМРМКТК № 1Л/с: 401410860262737073101054001
 Город: **ИНН: 201 799 978 ОКЭД: 86100**
 МФО: **Тел: (71) 233-40-66; Факс: (71) 233-67-17**
 ИНН:
 ОКОНХ:

№	Наименование товара	изм.	Кол-во	реализации	поставки
1	Дротаверин раствор для инъекций 40мг/2мл 2 мл №10	уп	120	5 000,00	600 000,00
2	Метронидазол раствор для инфузий 0,5% 100 мл	фл	1 000	2 100,00	2 100 000,00
3	Натрия хлорид "Изотоник" раствор для инфузий 0,9% 200 мл	фл	3 000	2 300,00	6 900 000,00
ИТОГО К ОПЛАТЕ:					9 600 000,00

ИТОГО К ОПЛАТЕ: Девять миллионов шестьсот тысяч сум 00 тийин

ПРЕДОПЛАТА 30%

Продавец:

ООО "RADIKS"



Покупатель:

ТХКМРМКТК

"ТХКМРМКТК"

ш. А. Худайберганов



